АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС ИЖОД

Пиримқул Қодиров таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан

Методик-библиографик қўлланма

Тошкент – 2008

78.342
Ҳ 24

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи У.Тешабоева
Муҳаррир О.Қиличбоев
Матн терувчи З.Жалилова

Ҳаёт билан ҳамнафас ижод: Пиримқул Қодиров таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан: Метод.-библиогр.кўлл. / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи У.Тешабоева; Муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2008.- 40 б.

КБК 78.342+83.3 (5 Ў)

Ушбу методик-библиографик қўлланма эл севган адиб, адабиётшунос олим Пиримқул Қодиров таваллудининг 80 йиллигига бағишланган. Ёзувчи серқирра ижодини ўрганиш ва уни кенг тарғиб қилишда кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳамда адабиётлар рўйхати берилган.

Қўлланмадан кутубхона ходимлари ва кенг китобхонлар оммаси фойдаланишлари мумкин.

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008 йил.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВГА

Муҳтарам Пиримқул Қодирович!

Аввалambор, Сизни ҳаётингиздаги кутлуғ сана – муборак 80 ёшингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сизнинг бугунги таваллуд айёмингиз барча китобхонлар, бутун адабиёт аҳлининг катта байрамидир. Эл-юртимиз Сизни атоқли адиб, етук адабиётшунос олим ва таниқли жамоат арбоби сифатида яхши билади ва қадрлайди. Сизнинг қаламингизга мансуб бадиий баркамол ва чуқур ҳаётийлик руҳи билан суғорилган қатор қисса ва романлар халқимизнинг маънавий юксалишида муҳим ўрин тутиб, катта тарбиявий аҳамият касб этиб келмокда. Юксак инсоний фазилатларни тараннум этувчи бу асарлар жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилингани билан ҳам эътиборлидир.

Айниқса, собиқ шўро мафкураси тазйиқлари ва қаршиликларига қарамай, Сиз халқимиз тарихининг ёрқин саҳифаларидан бўлмиш буюк темурийлар даврини, дилбар шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодларининг мураккаб, машаққатли ҳаёт йўлини ҳаққоний акс эттирган “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони” сингари гўзал асарлар яратдингиз ва улар адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин олиб, халқимизнинг маънавий мулкига айланди.

Истиқлол руҳи Сизнинг ижодингизга янги куч-қувват ва илҳом бергани сўнгги йилларда ёзилган асарларингизда яққол намоён бўлиб турибди. Хусусан, шу улуғ ва табаррук ёшда ҳам ҳормай-толмай ижод қилиб, “Тил ва эл”, “Амир Темур сиймоси” сингари пухта изланиш ва тадқиқотларга бой китоблар яратганингиз ёш адиблар учун ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади.

Таваллуд кунингиз муносабати билан яна бир бор муборакбод этар эканман, Сизга мустаҳкам соғлиқ, ижод ва илҳом завқи, хонадонингизга файзу барака доимо ёр бўлишини тилайман.

Эҳтиром билан

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Абдуғаниевич Каримовга

Ассалому алайкум, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг буюк саховатингиз ва ғамхўрлик билан менга йўллаган мактубингиз саксон йиллик умримнинг энг масъуд дамларида етиб келганлиги учун тақдирга шукрона айтаман. Алоҳида инсон тақдири тарих яратувчи улкан сиймолар фаолияти билан нақадар боғлиқ эканини Сиз Ўзбекистонимизнинг Бош раҳбари бўлиб майдонга чиққанингиздан буён дилдилдан ҳис қилиб келаман.

Мустабид тузум даврида бизни иккинчи даражали инсонлар деб камситишларга қарши Абдулла Қодирий ва Чўлпон қаламни қурол қилиб, Отабек, Анвар, Кумуш, Раъно, Зеби каби ажойиб қаҳрамонларни яратдилар. Аслида бундай жозибали инсонлар ҳар бир халкда бор.

Мен ҳам шуни ҳисобга олиб, халқимиз орасидан етишиб чиққан маънавий етук ва гўзал шахсларни қисса ва романларнинг бош қаҳрамонлари қилиб тасвирлашга интилдим. Бу китобларда миллий туйғуни уйғотадиган муаммолар кўтарилгани мустабид тузум мафкурачиларига ёқмас эди. Бунинг устига, Бобур Мирзо ва Акбаршоҳ дилбар шахслар қиёфасида тас-вирланган романлар ёзилди. Бу романлардан бири олти йилгача йўли тўсилиб, босилмай ётди. Иккинчи-си яна уч йил тақиқ остида тўхтатиб қўйилди, босмахонада нашрга тайёрлаб қўйилган бу асарларнинг ҳарфлари икки марта сочиб ташланди.

Қадрли Ислом Абдуғаниевич, Сиз Йўлбошчиси бўлган истиқлолнинг ғалабаси мени бу оғир аҳволдан қутқарди. Салкам ўн йил тақиқ остида қолган ушбу романлар мустақиллик йилларида уч мартадан қайта нашр этилди. Шунинг ўзи бугун нишонланаётган сак-сон йиллик умрнинг энг самарали, қутлуғ йиллари истиқлол даврига тўғри келганини яққол кўрсатади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сиз қанчалик банд бўлишингизга қарамай менинг камтарона роман ва қиссаларимни ўқиб чиққанингиз, уларга

заршунослик нигоҳи билан қараб, теран маъноли фикрлар билдирганингиз учун чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Сизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли янги китобингиз маънавий ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлиб, бу асарда миллий маданиятимизнинг бой тарихи, бугунги ривожи ва порлоқ истиқболи ёрқин тафаккур ёрдамида жуда теран таҳлил этилгандир. Адабиетймйз шу буюк маънавият хазинасининг марказий қйсмидан ўрин олганлигини Сиз улуғ адибимиз Чўлпоннинг "Адабиёт яшаса, миллат яшайдир" деган сўзлари мисолида яққол кўрсатиб бергансиз. Мен эллик йилдан буён бу доно сўзларни дилимда такрорлаб баҳра оламан. Бугун адабиётимизга Сизнинг шунчалик катта ғамхўрлик кўрсатаётганингиз бизни юксак ижодий камолотга ундайди. Бошқа адиблар қатори мен ҳам бутун умримни, бор куч ва қобилиятимни миллий маънавиятимиз ва унинг узвий қисми бўлган адабиётимизни юксалтиришга сарф этаман.

Сизга теран эҳтиром билан

Пиримқул ҚОДИРОВ

2008 йил, 27 октябрь,
Тошкент шаҳри

Сўз боши

Пиримқул Қодиров – Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ўзбек адабиётининг пешқадам вакилларидан бири.

ХХ асрнинг улуғ ёзувчиларидан бири Мухтор Авезов Пиримқул Қодировга юксак баҳо берди ва келажаги порлоқ эканини башорат қилди. Ва башорат тўғри чиқди – ёзувчи қадам-бақадам улғайди ва йирик санъаткор, моҳир адиб бўлиб етишди. Адабиётда ҳамиша амал қилувчи исбот талаб қилинмайдиган қонуниятлардан бири шундаки, адиб ҳар қанча истеъдодли бўлмасин, бутун умри давомида бошқа буюк ижодкорларнинг тажрибасини ўрганиб боради, уларга суянади, давом эттиради ва бойитади. Пиримқул Қодиров ҳам айниқса, Лев Толстой мактабини пухта ўрганган, Қодирийлар, Ойбеклар, Қаҳҳорлар тажрибасини ўзига сингдириб олган эди. Шунинг учун ҳам, у ўз устозларига эргашиб, сўз санъатини улуғ ва муқаддас иш деб билди, адабиёт халқ дардини ифодаламоғи, одамларга ҳаёт сирларини ўргатмоғи, яшаш санъатидан, яхшилик санъатидан сабоқ бермоғи керак деб ҳисоблади.

Ёзувчи ўз асарларини яратар экан, уларнинг катта-кичиклигидан қатъи назар, ҳар гал халқ манфаатларини назарда тутди. Адиб ўз асарларида ҳалоллик, виждонийлик, маънавий юксакликни, вафо ва садоқатни, фидокорликни улуғлаш, ҳар хил қаллоблик ва олғирликни, инсофсизлик ва диёнатсизликни қоралаш йўлидан борди.

Адибнинг ҳар бир янги асарини минг-минглаб адабиёт мухлислари сабрсизлик билан кутадилар. Пиримқул Қодиров ижодининг халқимиз орасида шунчалик эъзозланишининг сири шундаки, у халқ дилидаги гапларни ёзди, унинг қалбига яқин инсонларни меҳр-муҳаббат билан тасвирлади. Халқ эса муҳаббатга муҳаббат билан жавоб берди. Ижодкорнинг орзу қилган бахти ҳам мана шунда.

2008 йил Пиримқул Қодиров таваллудига 80 йил тўлади.

Республика ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари Пиримқул Қодировнинг асарларини – тарихий-бадиий

романларини, адабиётшуносликка оид турли илмий мақолаларини тарғиб қилишлари лозим.

АКМ ва АРМлар адабиётлар тарғиботининг китоб кўргазмаси, илмий-амалий конференция, китобхонлар конференцияси, адабий-бадиий кеча, билимдонлар беллашуви, викторина, мавзули ва мунозара кечалари, оғзаки журнал, давра суҳбати ва бошқа кўплаб оммавий шаклларидан фойдаланишлари мумкин.

Кутубхона, АКМ ва АРМларда ўтказиладиган тадбирларга адиблар, адабиётшунослар, журналистлар, санъаткорлар, адабиёт фани муаллимлари ва Пиримқул Қодиров ижодига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасини жалб қилиш мумкин.

Ушбу қўлланма ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказларида севимли адибимиз Пиримқул Қодиров ижодини ўрганиш ва тарғиб қилиш, шунингдек, таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказишда мутахассисларга ёрдам бериш мақсадида тайёрланган.

Ҳамиша халқ хизматида

Пиримқул Қодиров адабиётга 50 йилларнинг ўртасида кириб келди. Унинг биринчи асарлари талабалик йилларида –Тошкент Давлат университетининг шарқшунослик факультетида ўқиб юрган кезлари эълон қилинган эди. Улар ўша вақтдаёқ кўпчиликнинг эътиборини жалб қилди, жамоатчиликнинг оғзига тушди. Булар Бекобод металлургия комбинатига бағишланган “Беш йилликлар фарзанди” очерки, “Студентлар” ҳикояси ва бошқалар. Асарлар ўша даврларда кўп учрайдиган сийқа ва схематик асарлардан кескин фарқ қилади. Ҳали инсон характерини мукаммал чизишда, унинг ички дунёсини рўйи рост тасвирлашда ёш ёзувчининг тажрибаси камлиги сезилиб турса-да, бу асарларда бошқа бир қимматли фазилат бор эди! Улардан бевосита жонли, реал ҳаётнинг нафаси уфуриб турарди. Ёш ёзувчи ҳикоя қилаётган нарсаларни бичиб-тўқимасдан, астойдил, пухта ўргангани туфайли, дастлабки асарларининг қизиқарли чиқишига эришган эди. Бу тасодифий эмас эди.

Чунки Пиримқул Қодиров университетга анчагина бой ҳаётий тажриба ортириб келганди.

Ёзувчи Тожикистон Республикаси Шаҳристон довонининг этагида жойлашган Кенгкўл қишлоғида 1928 йил 25 октябрда туғилган. Қишлоқ бениҳоя сўлим ва хушманзара бўлиб, ёнбағирларидаги арчазорлар, кумушдек шарқираган булоқлар, ўтлоқлар, тубсиз ўнгирлар ҳар қандай одамнинг ҳам кўнглига алланечук кўтаринки кайфият бахш этиши унинг қалбида нурли туйғулар уйғотиб, романтик орзуларнинг қанот ёйишига йўл очади. Бироқ ёзувчи она қишлоғининг ҳусн-жамолига тўйиб улгурмай, табиатнинг сўлим ҳуснидан қониб баҳра ололмай уруш бошланди. Пиримқул Қодировнинг болалик дамлари уруш даврига тўғри келди. Авжи тенгкурлари билан яйраб-ўйнаши керак бўлган кезларида бўлажак ёзувчи пода боқди, ўт ўрди, ер ҳайдади, ғалла йиғди, хуллас – сабаби тирикчилик, оғир ва машаққатли меҳнат билан шуғулланди. Кейин эса Бекобод металлургия заводида ишлаган ва ишлаб туриб техникумда ўқиган ўсмирлик йиллари уни бебаҳо тажриба билан бойитди, унда инсон бахти машаққатлар ва мушкулотларни енгиш туфайлигина қўлга киритишига ишонч ҳосил қилди. Адиб шундай ҳикоя қиладилар: “Мен суяги меҳнат билан қотган оддий меҳнаткашлар орасида ўсиб-улғайганман. Қариндош - уруғларимнинг деярли ҳаммаси ҳозир ҳам ё чўпон, ё пахтакор, ё ғаллакор бўлиб ишлашади. Болаликда, ўсмирликда мен билган, бирга ўсган, бирга ишлаган одамларнинг ҳам суяги меҳнатда қотган. Отам ҳамиша: “Ўғлим, ҳалол бўл, ҳалолликда ҳикмат кўп”, – дер эди. “Юлдузли тунлар” романи учун берилган мукофотни олар эканман, ўша дақиқаларда энг аввало раҳматли дадамни, меҳнаткаш ойимни эсладим.”

Университетни тугатгач, Пиримқул Қодиров Москвага – Горький номидаги Адабиёт институти қошидаги аспирантурага ўқишга боради ва 1954 йилда, 26 ёшда “Абдулла Қаҳҳорнинг урушдан сўнгги ижоди” мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади. Шундан сўнг собиқ СССР Ёзувчилар Союзида ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлади. Москвада ўтказилган ҳаёт ёзувчига кўп нарса берди. У бу ердаги адабий

анжуманларда баҳс ва мунозараларда фаол иштирок этди, машҳур ёзувчилар билан танишди. Пиримқул Қодиров Москвада яшаб турган кезларида йирик роман устида иш бошлади ва ниҳоят, 1958 йилда бу роман “Уч илдиз” номи билан китобхонларга тақдим этилди. 1959 йили ўзбек адабий асарлар муҳокамасида улкан адиб Мухтор Авезов бу асарга алоҳида тўхталиб, юқори баҳо берди. У шундай деган эди: “Студентлар, зиёлилар бу китобни катта қизиқиш билан ўқийдилар, чунки унда жуда кўп ҳаётий воқеалар олинган, ҳар хил характерлар кўрсатилган ва мен учун бу китобда энг муҳими, энг қимматлиси – ундаги ақлли, билимли, фикрловчи одамлардир. Интеллектуал қаҳрамон – шу кунларда бўлаётган ижтимоий ҳодисалар ҳақида ўз фикрига эга бўлган Акбаровга ўхшаш қаҳрамон бу китоб асосида ётган қимматли фазилатдир. Бундан ташқари, асарда образли фикрлар, ифодалар кўп. Бир жойда шундай дейилади: “Кишининг истак-интилишлари зўр бир чолғу бўйлаб тортилган торларга ўхшайди. Ҳаёт қайсисига қаттиқ тегиб кетса, ўшаниси кучлироқ товуш беради”. Инсоннинг руҳий ҳолати қанчалик образли, айни вақтда, фалсафий ифодаланган. Бу романда яхши нишоналар кўп... Миллий олий мактаб студентлари ва ёш интеллегенциянинг шаклланиши ҳақидаги бу китоб жуда қадрли. Бу китоб менга жуда ёқди”.

“Уч илдиз” талабалар ҳаётига бағишлаб ёзилган биринчи ўзбек романидир. Асарда шахсга сиғиниш ва унинг зарарли оқибатлари ўша давр имкониятлари даражасида очиб берилган. Бинобарин, шахсга сиғиниш даврининг таъсирида 50-йилларда олий ўқув юртларида илдиз отган тарафкашлик, мансабпарастлик, сохталик, дабдабабозлик – “қизил сўзлик”, ҳақиқатдан кўз юмиб, ростгўй олимларни беобрў қилиш сингари иллатларни фош этиш, илм фидойилари билан сохта “олим”лар ўртасидаги зиддиятни ва бунинг асл моҳиятини очиб бериш, истеъдодли, ҳақгўй зиёлиларни ва толиби илмларни қўллаб-қувватлаш – “Уч илдиз” романининг асосий ғоявий мазмунини ташкил этади.

Асар воқеаси асосан бир дорилфунун даргоҳида бўлиб ўтади. Роман мазмуни асосида ётган зиддият ана шу даргоҳда ишлаётган ёки таълим олаётган одамларнинг ўзаро муносабатларида намоён бўлувчи мафкуравий курашдан иборат. Романнинг бош қаҳрамони Маҳкам мафкуравий “хато”ларга йўл қўйган деган баҳонада “урилган”, ишдан ҳайдалган тарихшунос олим Тошевнинг қизи Гавҳарни севиб қолади. Воқеалар давомида Маҳкамнинг кўзи очила боради: у Ҳакимов, Эшонбоев каби домлаларнинг ҳақиқий қиёфасини англаб олади. Худди шунингдек, мансабпараст шахслар томонидан ёмон отлиққа чиқарилган Акбаров, Тошев, Умаров сингари педагог ва илмий ходимларнинг чин инсонлар, ҳақиқий олимлар эканига ишонч ҳосил қилади. Натижада, Маҳкам курашлар жараёнида ўсиб, тобланиб янги авлоднинг ёрқин вакили сифатида гавдалана боради. Самимийлик, эътиқодга садоқат, вафодорлик ва ростгўйлик, қийинчиликлардан қўрқмаслик ва уларни енгишга дадил интилиш Маҳкам қиёфасида мужассамлашади. Ёзувчи Маҳкам образини яратар экан, бу йигит шахсининг шаклланиш жараёнини очишда руҳий таҳлил санъатидан унумли фойдаланади.

“Уч илдиз” романи чуқур мазмунли, фалсафий умумлашмаларга, ҳикматли сўз ва ибораларга бой. Асарнинг номи ҳам теран мазмун ташийди, яъни ёзувчи асарда талабалик даврида шаклланадиган эзгуликлар ҳақида ҳикоя қилар экан, мустаҳкам билим олишни, фаол фуқаро малакасини касб этишни ва севги-садоқатда устувор туришни самарали, мазмундор ҳаёт кечиришнинг уч илдизи деб атайди. Шу билан бирга, ана шу уч илдизи ҳам мустаҳкам бўлган кишигина жамиятнинг ҳақиқий аъзоси бўлади, ҳаётда ўз ўрнини эгаллаб, эл-юрт ҳурматини қозонади, – деган фикрни олға суради. Адиб профессор Акбаров тилидан талаба ёшларга қарата: “Шу илдизларнинг бири ўқишда ўсса, бири жамият учун қилинган ишда ўсади. Илдизлар бир дарахтга келиб бирлашгандай, булар ҳам ҳаётларингизда бирлашиб, бир-бирига киришиб кетади. Шу илдизларингиз қанчалик чуқур бўлса, шунчалик кенг шох ёя

оласизлар, қанчалик мустаҳкам бўлса, ер юзида шунчалик маҳкам қад кўтариб тура оласизлар”, – дейди.

Пиримқул Қодиров “Уч илдиз” устида қизғин иш олиб бораётган кезларида, 1956 йили “Ўтган кунлар” романи билан танишди. Бу танишув унга катта қувонч бахш этди. Ёзувчи ўша қувончли дақиқаларни эслаб ёзади: “Менга шу вақтгача етишмай юрган бадиий нафосатнинг бир турини (ўсаётган ёш танага зарур бир “витамин”ни) Абдулла Қодирий романларидан топгандай суюндим. Бу янгича нафосат ҳам дилимга пайванд бўлиб, ёзаётган нарсамга олижаноб таъсир кўрсатгани ўзимга кейин сезилди... Давримизнинг ижобий қаҳрамонларидаги жозиба мени кўпроқ ўзига тортарди”. Бу айниқса романнинг бош қаҳрамонлари Маҳкам билан Гавҳар, улар орасидаги самимий, беғубор, ҳаётбахш севги мулоқотлари ифодасида ёрқин кўринади. Ёзувчи устоз Қодирий анъаналарини давом эттириб, бу романда ва бошқа бир қанча асарларида ёшлар тақдирида чин севгининг нафосати ва ҳаётбахш кучини очиб беришга ўзгача аҳамият беради. Унинг талқинида чин севги фақат икки ёшнинг бир-бирига самимий талпиниши, кўнгил сурури, беғараз муносабатигина эмас, балки катта масъулият, улар орасидаги эътиқод, мафкуравий ҳамкорлик, самимий севги ижтимоий мазмун билан бойиса, одамни юксак мақсадлар сари ундайди, кенг миқёсларга олиб чиқади. Маҳкам билан Гавҳар орасидаги севги айни шундай фазилатлар билан йўғрилган – улар ҳамфикр, маслакдош бўлганликлари учун ҳам шунчаки вафодор ошиқ-маъшуқлар эмас, ижтимоий адолат учун фаол курашчиларига айланадилар.

Ёзувчилик иши қатор довонлар ошиб юксак бир манзилга интилаётган йўловчини эслатади. Пиримқул Қодиров узоқ вақтлардан бери катта шаҳарларнинг қайноқ ҳаёти ичида яшаб келаётган бўлса ҳам, ўзининг болалик даврлари доим ҳаёлида юрар, бирор асарда акс эттирилишини кутгандек бўлар эди. Ёзувчи учун бу янги довонни ошиб ўтиш анча машаққатли бўлишига қарамасдан, анча мароқли ва анча ўзига хос довонлардан эди. Унинг ўзи бу ҳақда шундай дейди:

“Москвада, Тошкентда, улкан шаҳарларда узоқ йиллар яшаганим сари, ўзим туғилиб ўсган тоғлик қишлоғимиз Кенқўлни кўп соғинар эдим. Арчазор ёнбағирлар, гўзал Ойдинкўл, ажойиб булоқлар, ноёб табиат гўзалликлари инсон учун нақадар зарур эканини мен энди астойдил сеза бошладим. Шу туйғу таъсирида тоғларда меҳнат қилаётган оддий чўпонлар, чорвадорлар ҳаётини адабий асарда тасвирлашга арзийдиган ёрқин томонлари кўплиги эсимга туша бошлади. Қишлоғимизга қайта-қайта бордим, биз бола бўлган пайтлардан бери юз берган ўзгаришларни кўрдим. Ўн-ўн беш йиллик адабий машқлар, шаҳарда орттирилган ҳаётий тажриба – ҳалол меҳнаткашлар, қора кўзлар турмушини, қишлоқ материали орқали кўрсатишга иштиёқ уйғотди”. Шу тарзда унинг “Қора кўзлар” романи яратилди.

“Қора кўзлар” романи ёзувчи ижодида олға ташланган қадам ва ўзбек романчилигида муҳим ҳодиса бўлди. Қишлоқ, аниқроғи, чорвадорлар ҳаётидан олинган бу асар қишлоқ ҳақидаги бир ёқлама тасаввурларни бузиб, адабиёт юзини реал ҳаётга, ҳаётнинг муаммолари томонга буриб юборишда муҳим аҳамият касб этди. Адабиётшунос М.Қўшжонов ҳақли равишда “Қора кўзлар”ни “она асар” деб атайди.

“Қора кўзлар” муаллифи олис қишлоқ ва ундаги орқада қолган хўжалик ҳаётини роман кўзгусига солиб кўрсатди. Асар бошдан-оёқ оддий, заҳматкаш меҳнат аҳлига, ҳар қандай мушкул вазиятларда ҳам инсоний фазилатларини сақлаб қололган асл инсонларга чуқур ҳурмат, ҳамдардлик руҳи билан суғорилган. Ёзувчи худди ўша қора кўзлар – жафокаш кишилар бошига тушган кулфатлар учун чин дилдан қайғуради, тақдирини чигаллаштирган ҳаётий-маънавий омиллар устида теран мушоҳада юритади.

Роман воқеалари юз берган макон – Ойдинкўл эскича тушунчалар, қолоқ одатлар таъсир доирасида хийла кенг, хусусан маиший ҳаётда оилавий – эр-хотин, қайнона-келин муносабатларида, аёл зотига муомалада инсон эркини бўғадиган таомиллар давом этади. Ёзувчи бу романида маиший ҳаёт икир-чикирларининг чуқур билимдони эканини ҳам кўрсатди.

Адиб қолоқ тушунчаларга одамлар турмуши ва онгини заҳарловчи бир оғу деб қарайди. Қолоқ тушунчалар ака билан укани бир-бирига рақиб қилиб, ҳали ақлини танимаган норасидаларнинг кўнгил майлини, эркини жиловлаб қўяди, соф севгини уятга йўяди, севишганларни хижолатда қолдиради, эр билан хотин, қайнона билан келин, она билан бола ўртасига низо солади, кескин драмаларга, хатарли фожиаларга йўл очади, одамнинг одамлик қадрини, нафсониятини ерга уради, одамнинг одамдек яшаши учун тўғаноқ бўлади. Гулдай нозик, гўдакдек содда, беғубор Маъсуда жаҳолат зуғуми, ўзининг гўдакларча мўмин-қобиллиги қолоқ таомилларга қаршисизлик итоати, энг асосийси, дахлдор шахслар – эри, қайнонаси, хўжалик раҳбарларининг эътиборсизлиги туфайли соғлиғини бой беради, бедаво дардга йўлиқиб, ҳалок бўлади... Маъсуда қисмати романдаги Ҳулкар, Жаннатой, Чўлпонойлар, улар қадрига етмай ҳаётини заҳарлаётганар учунгина эмас, умуман 60-йиллар ўзбек қишлоқларидаги реал аҳвол ҳақида жиддий огоҳлантириш эди. Айнан шу ғоя ёзувчининг галдаги асарлари – “Жон ширин” ҳикояси, “Эрк”, “Мерос” қиссаларида яна ҳам кескинроқ янгради.

70-йиллар давомида ёзувчи икки йирик асар – тарихий мавзудаги “Юлдузли тунлар” ва замонавий мавзудаги “Олмос камар” романлари устида иш олиб борди. Бирида беш аср бурунги ғоят зиддиятли тарихий давр, у даврнинг шафқатсиз ҳақиқати, Бобурнинг машаққатли ҳаёт йўли, иккинчи асарда эса, ҳозирги фан-техника инқилоби даври, гавжум шаҳар ҳаёти, ўта замонавий, фан-техника инқилоби бошида турган кишилар турмуши акс эттирилган.

Замонавий мавзуда битилган кўпгина асарлари орқали каттагина адабий тажриба тўплаган ёзувчи мураккаб ва қалтис тарихий бир мавзуга қўл урди – темурийлар салтанатининг ўз юртидаги инқирози, ўзга юртлар – Афғонистон ва Ҳиндистондаги ўзгача кўринишда қайта тикланиши, жаҳоншумул довруғи, Темурхон наслининг шонли сиймоларидан Бобур ва унинг авлодлари ҳаёти, фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи кенг кўламли эпик асар устида иш

бошлади; узоқ йиллик изчил тадқиқот, бетиним ижодий меҳнат, маънавий-руҳий изланишлар самараси ўлароқ “Юлдузи тунлар”, “Авлодлар довони” романлари майдонга келди.

Пиримқул Қодиров бу қалтис, мураккаб мавзуга қўл урар экан, олдинда ҳали кўп мушкулликлар рўй бериши мумкинлигини юракдан ҳис этар, шу билан бирга, эзгу, улуғ бир муддао дилига тинимсиз далда бериб турарди. “Бизни қарамлик ва мутеликда сақлашга ўрганган ёвуз кучлар тарихий илдизларимизни қирқиб ташлашга, бизни ўтмишимиздан бехабар манқуртларга айлантиришга ҳаракат қилар эди, – деб ёзади у “Турфа маъноли тақдир” мақоласида. – Ҳолбуки, ўзбек халқичалик бой ва ёрқин тарихга эга бўлган халқлар дунёда кўп эмас. Миллатимиз ўз тарихий илдизларидан маънавий озиқ олса, қаддини тез тиклаши мумкин. Шуни дил-дилдан ҳис қилганим учун 1969 йилдан бошлаб йигирма йил давомида тарихий мавзуда иш олиб бордим”.

“Юлдузли тунлар” романининг илк нусхаси 1972 йили ёзилади, асар қўлёзмаси ўша йили Ёзувчилар уюшмасида муҳокама этилиб юксак баҳо олади ва юқорига тавсия қилинади. Бироқ кўзга кўринмас қора кучлар қаршилиги туфайли роман олти йилча босилмай ётади. Ниҳоят, 1978 йили асар “Шарқ юлдузи” саҳифаларида дунё юзини кўради, кўп ўтмай алоҳида китоб бўлиб чиқади. Қисқа муддат ичида рус тилида икки бор босилади, бошқа тилларга таржима қилинади, ўзимизда ва Москва матбуотида юксак баҳо олади, Давлат мукофоти билан тақдирланади. Адиб бундай маънавий мададлардан руҳланиб “Юлдузли тунлар”нинг давоми Ҳумоюн ва Акбар ҳақидаги роман – “Авлодлар довони” устида қизғин иш бошлаб юборди, бобурийлар сулоласига доир жаҳонда яратилган сон-саноқсиз асарларни синчиклаб ўрганади, икки бор Ҳиндистонга сафар қилиб, асар қаҳрамонлари Бобур, Ҳумоюн ва Акбар юрган йўлларни кезади, улар яшаган жойларда бўлади.

Пиримқул Қодиров “Юлдузли тунлар” (“Бобур”) ва “Авлодлар довони” романларида Бобур ва унинг авлодлари ҳаёт йўлини кузатиш орқали Бобурийлар салтанатининг вужудга келиши ва равнақ топишини ёрқин тасвирлашга эришган. У узоқ

ўтмишда ва ўзга мамлакатда рўй берган воқеаларни жонлантиришда ўз фантазиясига эмас, балки ўзи эътироф этганидек, “тарих фантазияси”га, яъни чиндан содир бўлган воқеаларга кўпроқ асосланган ҳар иккала асар ҳам кенг китобхонлар тарафидан самимий кутиб олинганига қарамасдан, шўро мафкураси томонидан кескин танқид қилиниб, ёзувчи ўтмишни идеаллаштиришда айбланди.

“Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони” романлари чиққанидан бери китобхонларнинг муаллифга йўллаган мактублар кети узилмайди. Шулардан бири фарғоналик ҳассос шоира, мактаб муаллимаси Мақсуда Эргашева “Авлодлар довони” мутолааси пайтидаги ҳис-ҳаяжонларини шундай изҳор этади: “Сизнинг “Авлодлар довони” романингизни катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим”. Мактуб 1989 йил 3 февралда, яъни “ошкоралик, демократия” жазаваси авжига чиққан кезлари битилган, хатда ўша кезлардаги беҳуда жазавалардан зада бўлган нозик қалбнинг “Авлодлар довони”дан топган таскинлари ифодаланган. “Ҳозир ҳамма газетаю журналлардан тортиб, шеърлару романларгача бақириб-чақириб сўзланаётган ушбу замонда, – дея давом этади муаллима – улуғ боболаримиз ҳақида шундай сокинлик билан ёзилган асарингизни ўқиб, барча китобхонларни ноёб бир маънавий хазина билан қутлагим келади. Беҳаду беҳисоб ўлимларни ҳам ҳаёт нурига йўғирган тасвирларингиз дилрабо ғазалнинг оҳангларидек руҳимга ором берди”. Айни вақтда у романни ўқиётиб қалбини ўртаган армон-ўкинчларини ҳам тўкиб солади: “Балки улуғ бобомиз Мирзо Бобур хоинлар туфайли бу тупроқдан чиқиб кетмаганларида, биз бу кунги ҳолга тушмасмидик? Юртимиз ҳам Мовароуннаҳрлигича қолиб, дунёдаги энг буюк давлат бўлармиди? Ҳумоюн ва Акбарлар ҳам шу ерда туғилармиди, балки жаҳонга машҳур Тожмаҳал Андижонда қурилармиди?!”

Бундай армон романни ўқиган ҳар бир ўзбек китобхони қалбидан кечади.

Пиримқул Қодиров Л.Толстой, А.Чехов, К.Федин, Х.Деряевлар ижодидан таржималар қилди. Айни пайтда адиб бадиий ижодни, таржимонликни илмий-тадқиқот ишлари билан

қўшиб олиб боради. Филология фанлари номзоди, илмий ходим сифатида узоқ йиллар Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида ишлади. Пиримқул Қодировнинг илмий, адабий-танқидий фаолияти доираси кенг, лекин у кўпроқ бадиий асар тили, ёзувчи маҳорати муаммоларини ўрганади. Олимнинг "Ўйлар" китобига кирган талай қайдлари, "Дил ва тил", "Халқ тили ва реалистик проза" тадқиқотлари шундан далолат беради.

Адиб давлат ва жамоат арбоби сифатида ҳам танилган. У Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутати, Республика Олий Мажлиси депутати сифатида истиқлол йўлида кўп хайрли ишларни олиб борди. 1988 йил Пиримқул Қодиров Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвонига сазовор бўлди.

Сўнгги йилларда Пиримқул Қодировнинг "Она лочин видоси" романи, "Амир Темур сиймоси" илмий-тарихий асарлари китобхонларга ҳавола этилди. Сўнгги ўн йил давомида ёзилган "Она лочин видоси" романида Амир Темурнинг суюкли ўғли Шоҳруҳ ва келини Гавҳаршодбегим билан боғлиқ воқеалар қаламга олинган. Асардаги Улуғбек Мирзо, Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийнинг ёшлик давридаги жасорат ва истеъдодлари ҳам китобхонларда ёрқин таассурот қолдиради.

Унинг "Амир Темур сиймоси" асарини 2007 йил ўқишга муяссар бўлдик. Адиб Соҳибқироннинг ёшлик ва ўсмирлик йиллари тасвирида Амир Темурни буюк жаҳонгирлик рутбасига эришуви бежиз эмаслигига аҳамият қаратиб, унинг китоб мутолаасини севишини, алломаларни жуда ҳурмат қилишини асословчи кўпгина тарихий манбаларга мурожаат этади.

Пиримқул Қодиров бу асарида фақат адиб эмас, айни чоқда зукко тарихнавис эканлигини ҳам намоён этади. У Шомий ва Яздий "Зафарнома"ларини "Темур тузуклари"га қиёсан ўрганиб, А.Темур ҳаётининг ўта масъулиятли бурилиш палласи, Шомий томонидан бир ўринда бутунлай тескари баён қилинганини аниқлайди. Шомий "Зафарнома"сидан кейин ёзилган Яздий "Зафарномаси"да ҳам Темурбекнинг халқ озодлик ҳаракатига бошчилик қилгани ва Тўғлуқ Темурхон уни ўлимга буюргани мутлақо кўрсатилмаган", деб ёзади адиб. Ёзувчининг маҳорати шундаки, Темурбекнинг салтанат бошига келишига қадар

бўлган ҳал қилувчи жанглар тафсилотини бир йўла бир неча манбадаги тарихий далиллар асосида холис баён этиб беради. Шу тариқа, китобхон кўз ўнгида Соҳибқирон ҳаётининг тўлиқ манзарасини гавдалантириб беради.

Пиримқул Қодировнинг ушбу асари, гарчи илмий-бадиа тарзида берилган бўлса-да, унинг ҳар саҳифасида буюк Соҳибқироннинг тафаккур дунёси, қалб тебранишлари, меҳр-муҳаббати ва изтироблари, қаҳр-ғазабини ҳис этиб турасиз. Бадиа худди гўзал бадиий асар сингари ўқилади. Тарих саҳнасида ҳаракат қилаётган буюк инсоннинг орзу-ҳаваслари, ҳалоллигу тантилиги, мард инсон сифатидаги ҳимматларидан шодланиб, ёвуз кимсалар хиёнатига дуч келганда, у билан бирга изтироб чекасиз.

Бахтиёр Назаров
Академик

Тил қадри
(мақоладан парча)

Улуғ адибларнинг ижоди серқирра бўлади. Бунга жаҳон адабиётидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ўзбек адабиёти ҳам бундан мустасно эмас.

Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Ойбек ижодининг серқирралиги бадиий адабиёт билан бир қаторда адабиётшуносликда ҳам намоён бўлади.

Мана шу мўътабар анъана ҳозирги адабиётимизда атоқли ёзувчимиз Пиримқул Қодиров тимсолида давом этиб келаётгани қувонарли ҳодисадир. Адибнинг “Уч илдиз”, “Қора кўзлар”, “Олмос камар”, “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони” сингари романлари ўзбек адабиётини янги босқичларга кўтаришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги мақолалари, диссертацияси бадиий маҳорат хусусидаги қатор ишлари, адабий танқид тарихига доир илмий тадқиқот адибнинг адабиётшунослик соҳасида ҳам жиддий изланишлар олиб борганини кўрсатади.

Пиримқул Қодиров илмий фаолиятининг яна бир йўналиши тил муаммоларига қаратилганлигидир. Шуниси эътиборлики, адиб бадиий тил муаммолари билан шунчаки, йўл-йўлакай эмас, балки махсус ва изчил равишда узоқ йиллардан буён шуғулланади.

Ана шундай изланишлар ҳосиласи сифатида ижодкорнинг “Тил ва эл” китоби майдонга келди.

Олимнинг аввалги – “Халқ тили ва реалистик проза” номли тадқиқотида ранг-баранг, бой ва гўзал халқ тилининг ўзбек реалистик насри қарор топишида, хусусан, XX аср аввалидаги унинг реалистик тамойиллари қарор топишидаги аҳамияти кўрсатилган бўлса, мазкур “Тил ва эл” номли асарда эса, энди тил муомаласининг бошқа бир йўналиши – мумтоз адабий тилимизнинг узоқ асрлик шаклланиш жараёнлари тадқиқ этилади.

“Тил ва эл”ни муаллифнинг ўзи “илмий бадиа” деб атар экан, бу атама ўзини тўла оқлайди. Зеро, китоб муаллифи ўзбек мумтоз адабий-бадиий тил муаммолари, уларнинг узоқ асрлик тарихий йўли ҳақида фикр юритади, ўз олдига қўйган масалаларнинг нозик қирраларини таҳлил қилар экан, тадқиқ методи ва методикаси соф тилшунослик доирасида қолиб кетмайди. У “Билге ҳоқон ва Култегин” достонларидан тортиб, ҳамда “Алп Эр Тўнға жангномаси”гача, “Қутадғу билиг”, “Девону луғотут турк”дан тортиб, Яссавий ҳикматларигача, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”, Қутб Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” достони, Сайфи Саройининг “Гулистон бит-турки” сидан Амир Темур давригача бўлган ноёб асарларни ўзбек мумтоз адабий-бадиий тили қарор топиши нуқтаи назаридан ўрганар экан, таҳайюл арғумоғининг нозик жиловини эркин қўяди. Илмий кузатувлар, изланишлар. хулосалар, мушоҳадалар асосида яратилган асар адибнинг гўзал адабий тили воситасида бамисоли бадиий асардек енгил ва ҳузурбахш ўқилади.

“Тил ва эл”нинг марказида мумтоз ўзбек адабий тилининг шаклланиш муаммоларини тадқиқ этиш турса-да, муаллиф ўзини буткул шу масала билангина чегаралаб қўймаган. У, умуман, тарихимиз, хусусан, адабиётимиз, маънавиятимиз

тарихига бот-бот мурожаат этади, кўпчиликка, у қадар маълум бўлмаган, бироқ буюк аждодларимиз тақдири ва тарихимизда муҳим ўрин тутган айрим ҳодисаларга эътиборимизни тортади, улар билан боғлиқ баъзи баҳсли нуқталарига ўзининг мустақил муносабатини билдиради ва шу тариқа айрим муаммоларга ойдинлик киритади. Буларнинг барчаси яна қайтиб, охир-оқибат, ўзбек мумтоз адабий тилимизнинг шаклланиши, қарор топиш жараёнлари ҳақидаги мулоҳазалар ва хулосалар билан туташиб кетган ҳолда, илмий-бадиаларга ажиб бир композицион яхлитлик ва уйғунлик бахш этади.

Ёзувчи кези келганда, В.В.Бартольд, А.Ю.Якубовский каби жаҳонга машҳур олимлар билан баҳслашади, уларнинг “маълум даражада мустамлакачилик сиёсати билан ҳисоблашиб, Амир Темур “саводсиз бўлган” деган қатъий фикр”ларига қарши чиқади, “Темур тузуклари”нинг муаллифи ўзга киши эмас, буюк Соҳибқироннинг ўзи эканлигини қатор тарихий ва лисоний далиллар асосида исботлайди. А.Н.Самойлович, Э.Н.Нажин, А.К.Боровков каби олимларнинг мумтоз ўзбек адабий тили ҳақида айрим хулосаларини рад этади. Пиримқул Қодиров кўз олдимизда наинки, миллатпарвар, балки ҳақгўй ва холис олим сифатида ҳам гавдаланади. Турли олимлар томонидан ўзбек тили тарихининг айрим босқичларидаги буюк бадиий асарлар тили “таҳлилидан” келиб чиқиб ишлатилган “Чиғатой тили”, “Олтин Ўрда адабий тили”, “Олтин Ўрда – Миср тили” сингари атамаларнинг барчаси изчил илмийликдан холи бўлиб, уларнинг замирида қандайдир сиёсий мақсадлар, ёки машҳур адабий ёдгорликларнинг бевосита ўзбек тилига мансуб эканлигини хаспўшлаш ётади, дейилган. Пиримқул Қодировнинг айрим улкан тилшунос олимлар қарашига туташ бўлган нуқтаи назарига қўшилмаслик мумкин эмас. Ёзувчи ўз қарашларини шунчаки эътироф этмайди. У ўз фикрларини аниқ далиллар, мисоллар асосида исботлайди, улар сизни ишонтиради. Шу тариқа, Пиримқул Қодиров юқоридаги сунъий атамалар ўрнига “Ўзбек мумтоз адабий тили” ибора-атамасини ишлатишни таклиф этиши, бу масалага ўзгача нуқтаи назарда бўлган олимларга хайрихоҳлигини билдириши, бугунги

тилшунослигимиздан ташқари, адабиётшуносликка ҳам таъсир этади, деб умид қиламиз. “Чиғатой тили”, “Чиғатой адабиёти” сингари атамалар ўрнини, ҳар бир босқичдаги ўзига хос, хусусиятлари эътироф этилгани ҳолда, “Ўзбек мумтоз адабий тили”, “Ўзбек мумтоз адабиёти” ибора-атамалари билан номланиши тарафдоримиз.

Ёзувчини Бобур ва унинг даври ҳақидаги ажойиб романлари муаллифи сифатида яхши билар эдик. Мазкур китобда Навоийнинг ўзбек адабий тилини мумтозлик даражасига кўтарган даҳосини кўрсатувчи қатор нозик кузатишлар билан бир қаторда, Бобурнинг бу масалада улуғ устози анъаналарини давом эттиришдаги хизматлари алоҳида меҳр билан ёритилади. Китобда Бобур шахси, фарзандларига муносабати, шоҳ ва шоирнинг “Бобурнома” билан алоқадорликдаги табиатига доир қатор нозик кузатишларга ҳам дуч келамизки, улар бу даҳо қошидаги тасаввур ва таассуротимизни янада бойитади.

“Тил ва эл”да бошдан-охиригача тилимиз, адабиёт, маданият, маънавиятимиз тарихи ҳақида фикр юритилар экан, адиб имкон қадар, умумий мулоҳаза юритишдан қочади, аниқ фикр юритишга интилади. Мушоҳадаларини тил, адабиёт, маданият, маънавиятимиз тарихини яратган муайян асарлар ва уларнинг муаллифларидаги ёрқин хислатларни кўрсатиш билан мустаҳкамлайди. Натижада, кўз олдимизда Алп Эр Тўнга – Афросиёб, Билге ҳоқон, Култегиндан тортиб, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Хумоюнгача бўлган сиймоларнинг ўзига хос тарздаги ихчам илмий-бадиий образлари гавдаланади.

Айтиш мумкинки, тарихий адолат туйғулари “Тил ва эл” китобининг аввалидан-охиригача изчил амал қилинувчи етакчи ижодий принципдир.

Тил миллатни, халқни, Ватанни бирлаштириб, жипслаштириб, улуғ мақсадлар йўлида элни янада ҳайриҳох ва ҳамнафас қилади. Пиримқул Қодировнинг “Тил ва эл” китоби бу борада барчамиз учун муҳим манба бўлиб қадри баланд асарларимиз қаторидан ўрин олишига ишонамиз.

Саид Аҳмад

Хонтахтага терганда!

Адабиётга ҳақиқий хизмат бўй баробар китоб ёзиш билан ўлчанмайди. Агар шундоқ бўлганда Пиримқул аллақачон ўз бўйига икки баробар китоб ёзиб қўярди.

Пиримқул Қодировнинг китобларини хонтахтага қатор қилиб териб қўйсангиз, албатта бир фикр бошингиздан ўтади. Бу китобларни ёзмоқ учун энг камида етмиш ёшга кирган бўлиш керак.

Тўрт роман, тўрт қисса, ўнлаб ҳикоялар, таржималар, қатор илмий тадқиқотлар, замоннинг муҳим мавзуларига бағишланган ўткир мақолалар...

Агар бир романни ўн йилнинг маҳсули деб қарасак, бир қисса беш йилнинг маҳсули бўлса, бошқа кичик жанрларни ҳам ҳисобга қўшсак, Пиримқул она қорнидан тушибоқ, кўзини очмай, тили чиқмай китоб ёза бошлаган бўлади. Ана шунинг учун ҳам, Пиримқулга етмиш ёшли ёзувчининг умри керак, ваҳоланки у энди 50 ёшга тўлди.

Яна шунисига қойил бўлиш керакки, Пиримқул бир марта қўл урган мавзуга иккинчи марта қайтмайди. Одатда олган мавзуни тўла ёритолмаган ёзувчи яна ўша мавзуга қайтаверади. Пиримқул эса мавзуни тагигача етиб, кейин қўлига қалам олади.

Пиримқул ёзувчи сифатида қўлига қалам оларкан, ўзининг филолог-олим эканлигини унутмайди. У ҳаётни олим сифатида тадқиқ қилади, ижодкор сифатида тасвирлайди. Шунинг учун ҳам унинг асарларидан келиб чиқадиган хулосалар ўқувчини чалғитмайди. Унга аниқ, элакдан ўтган, сепаратордан чиққан, яхши шопирилиб, қайнови етилган гапларни айтади.

Адабий асарнинг қони ҳам, жони ҳам – тил. Пиримқул мана шу гапни яхши ўқиб олганидан ўзининг илмий ишларини адабий асар тилига бағишлади. Унинг тилга бағишланган асарлари ниҳоятда фойдали, ибратлидир.

Дўстим, ажойиб китобларинг кўпаяверсин. Сени йўқлаб келган дўстларинг китобларинг орасидан сени зўрға қидириб топсин!

Бу табрикнома Пиримқул Қодировнинг 50 ёшга тўлиши муносабати билан битилган эди. Агар севимли ёзувчимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси С.Аҳмад ҳаёт бўлганларида Пиримқул Қодировнинг 80 ёшга тўлишлари муносабати билан унга ўз табрик хатларини йўллаган бўлар эдилар.

Ўйлар
(Пиримқул Қодиров ён дафтаридан)

Дақиқа

Одам ўз ҳаёт йўлидан фақат бир марта ўтади. Қўйилган ҳар бир қадам – қайтиб келмайдиган кунлар ва дақиқалар билан бирга кетади. Нима қолади? Тўқувчилар ҳар бир энлик гиламларига биронта чиройли гул соладилар. Боғбонлар ўз ерларининг ҳар бир қаричига яхши дарахт экадилар. Демак, одам ўз умрининг ҳар бир куни, ҳар бир йилини яхши мазмун билан тўлдира олса, фақат ўзи учун эмас, жамият учун, халқ учун ҳам неки ишлар қила олса гиламдаги гулдек, боғдаги чинордай бўлиб ана шу қолади.

Гоҳо “у йўқ - бу йўқ” деб нолиймиз. Ҳолбуки, дунёнинг энг катта бойлиги ҳар бир кишида бор. Бу бойлик – вақт. Ўтаётган ҳар бир дақиқа – ҳали ҳеч нарса ёзилмаган оппоқ қоғоз, ҳали экин экилмаган дала, ҳали тўқилмаган гилам гули. Бир соатда олтмиш дақиқа бор. Кунимизда йигирма тўрт соат бор. Бир йилимизда-чи?

Дақиқалар ўтиб турибди. Демак, ҳали ҳеч нарса ёзилмаган оқ варақлар биз учун кетма-кет очиляпти. Уларга биронта неки сўз ёза олсак, вақт биздан рози бўлиб кетади. Дақиқалар ўтиб турибди. Демак, ҳали ҳеч нарса экилмаган далалар бизга ўзини инъом қиляпти. Бу далаларда яхшилик уруғини экиб, парваришлаб ўстира олсак, мевасидан ўзимиз ҳам баҳраманд

бўламиз. Бекор ўтган вақт – оқ келиб-оқ кетган варақ, экинсиз ташлаб қўйилган дала. Мабодо, оқ вараққа ёмон нарса ёзиб қўйсак, ўчирганимиз билан изи қолади. Мабодо, бизга инъом этилган дала қаровсиз қолса, уни ёввойи ўтлар, сассиқ алафлар босиб кетади.

Умр ана шундай масъулиятли бир неъмат. Мамлакатимизда ҳар бир кишининг умри ўрта ҳисобда етмиш ёшга етган экан, бунинг таркибида минглаб дақиқалар бор. Шуларнинг ҳар бири ўз эгасидан жон сўрайди, маъно сўрайди.

Баҳор қудрати

Улкан боғни оппоқ гўзалликка тўлдириб, сал кам минг туп олма гуллаб турибди. Енгил шамол турди-ю, гулдан чиқа бошлаган олмаларнинг оппоқ гул барглари дув тўкилди. Худди қишда қор ёққандан кейин шамол турса дарахт шохларидан юмшоқ тоза қор тўкилганга ўхшайди. Лекин шамолнинг йўналишига қараб қиялаб учиб, кўкатлар устига тушаётган гул баргларининг ерга қўнишида баҳор нафосати сезилиб туради. Хазоннинг тўкилиши бошқа, меванинг тап-тап тушиши бошқа. Мева туккандан кейин, энди барг чиқараётган олма бутоқлари билан видолашиб, яшил майсалар устига оқ капалаклардан учиб тушувчи гул барглари эса дарахтдан тўкилган нафосатдек кўринади. Гуллаган олмалардан бирининг тагида шу сатрларни ёзиб ўтирганимда дафтарим саҳифасига ҳам битта оқ япроқ учиб тушди. Бу барг ҳозир қоғоздан ҳам оқ. Қўлга салқин ва майин тегади.

Гуллаган шоҳлар орасида синчалак. Турган жойида ҳам талпиниб, сакраб, шўнғимоқчига ўхшаб дириллайди. Гўзаллик оламидан олган кучини ичига сиғдиролмайди. Бу куч – баҳор кучи – ҳатто умри тугаб, дув тўкилаётган гулбаргларни ҳам гўзаликка чулғаб кўрсатади.

Адабий истеъдодда ҳам баҳордагига ўхшаш бир куч бўлади. У тасвирлаган ҳамма нарса ички бир латофатга тўлиб туради.

Шу боғда гуллаган, яшнаган дарахтлар орасида битта қуриган шафтоли, битта қуриган гилос, яна битта қуриган

акация ўтинга ўхшаб турибди. Қишда ҳамма дарахтлар яланғоч пайтда уларни тирик дарахтлардан фарқ қилиб бўлмас эди. Мана энди баҳор ўз қудрати билан тирик дарахтни яшнатиб, ўлигини бутун хунуклигича фош қилиб кўрсатяпти.

Адабий истеъдод ҳам яхши билан ёмонни мана шу тарзда бир-бирига қарши қўйиб, уларнинг кескин фарқини очади, оқни оққа, қорани қорага ажратиш орқали маънавият оламида баҳорнинг хизматини қилади.

Саҳоват

Мен кўрган тоғ кўлларнинг орасида энг ажойиби – Фарғона водийсининг шимоли-шарқ чеккасига жойлашган Сари Челек. Халқда уни Тўсқовул ота ҳам дер эканлар. Ривоятларга қараганда, тоғ дарёсининг йўлига бир паҳлавон одам қояни қулатиб туширган экан, шундан кўл ҳосил бўган эмиш. Аслида бу афсонавий паҳлавон – табиатнинг ўзи. Сари Челек – чиндан ҳам тоғ дарёсининг йўли тўсилганидан ҳосил бўлганлиги билиниб турибди. Фақат бу ҳодиса юзлаб йил олдин юз берган бўлса керак. Чунки кўл бўйларида уч-тўрт қаватлик уйдан ҳам баланд ёнғоқлар, арчасимон қарағайлар ўсиб ётибди. Кемада кўл бўйлаб сузганингизда, унинг суви тиниқлигидан тубида ўнлаб метр пастда чўкиб ётган қарағай ғўлалари кафтдагидек аниқ кўзга ташланади.

Кишига бунинг ҳаммасидан ҳам кучли таъсир қиладиган нарса кўлдан бир анҳор сув оқиб чиқиб, юзлаб метр пастга шалола бўлиб отилиб турганидир.

Кўл ўзи денгиз сатҳидан икки минг метрча баландликда. Бунча сув унга қаердан келиб қуйиларкин деб, қайиқда кўлнинг нариги четларига бориб қарадик. Атрофдаги қорли чўққилардан кўлга оқиб келиб қуйиладиган икки ариқчагина сув кўрдик, холос. Кўлдан оқиб чиқаётган улкан анҳорга нисбатан унга оқиб кираётган сув беш-олти баробар оз. Бунинг сири нимада? Иссиққўл бунинг акси. Унга атрофдаги тоғлардан ўнлаб дарёчалар оқиб киради, лекин кўлнинг ўзидан бир ариқ ҳам сув оқиб чиқмайди.

Сари Челекнинг сирини бизга ўша ерда учраган олимлар айтиб беришди. Маълум бўлишича, кўлнинг тубида жуда катта булоқлар бор экан. Ўша булоқлар кўлга оқиб кирган озгина сувни купайтириб, ариқни анҳорга айлантириб чиқарар экан.

Бизнинг ҳар биримиз халқимиздан, жамиятимиздан, бизни ўстирган оиладан, бирга ишлаётган жамоамиздан, яқин-йироқ барча одамлардан жуда кўп неъматлар оламиз. Саҳовати йўқ кишилар ҳаётдан олган неъматларини фақат истеъмол қилишни биладилар ва кўпни оз қилиб қайтарадилар. Саҳовати зўр соҳибдил кишилар эса, худди Сари Челек кўлига ўхшаб, бир неча баробар кўпайтириб одамларга берадилар.

“Баҳсларда улғайган ижод” номли билимдонлар беллашуви

Ўйин шарти

Қатнашувчилар: олиб борувчи, 5 кишидан иборат 2 ёки 3 та гуруҳ, ҳакамлар ҳайъати, томошабинлар.

Ўйин “Уйга вазифа”, “Савол жавоблар” ва “Эркин мавзу” дан ташкил топади. Гуруҳлар ўзларига ном топиб, сардорларини белгилашади.

Беллашувнинг “Уйга вазифа” шартида гуруҳларга Пиримқул Қодиров қаламига мансуб “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони”, “Она лочин видоси” тарихий романларидан фойдаланиб, саҳна кўринишлари билан чиқиш тавсия этилади. Беллашув ўтказиладиган санагача гуруҳлар бу шартга тайёр бўлишлари зарур. Саҳна кўриниши учун ажратилган вақт 15 дақиқа оралиғида чегараланади. Ҳакамлар ушбу шартни 10 баллгача баҳолашлари мумкин.

Беллашувнинг “Савол-жавоблар” шартида эса, гуруҳлар ўзаро саволлар билан баҳслашади. Гуруҳлар томонидан бериладиган саволлар ёзувчи Пиримқул Қодировнинг ҳаёти ва ижод йўлини ёритиб берувчи, унинг ўзбек адабиёти ривожига қўшган хиссасига оид бўлиши мумкин. Бир гуруҳ қолган гуруҳга савол билан мурожаат қилади ва уларнинг жавоб

вариантларини эшитгандан сўнг, ўзларининг жавобларини айтишади. Ҳар бир гуруҳ бештадан савол бериш ҳуқуқига эга. Гуруҳларга жавобларни бериш учун икки дақиқадан вақт ажратилади. Тўлиқ, батафсил ёритиб берилган жавоблар 8 баллгача баҳоланади.

Беллашувнинг "Эркин мавзу" шартида гуруҳлардан ёзувчининг қисса ёки романларидан хоҳлаган бирини танлаб, асарнинг яратилиш тарихи, асар нега айнан шу ном билан аталиши (масалан, "Уч илдиз"), асарнинг кульминацион нуқтасини айтиб, асардан кичкина парча ўқиб берилиши талаб қилинади. Гуруҳлар томонидан берилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса, томошабинлар шу асарлар хусусида саволлар билан мурожаат этишлари мумкин. Жавоблар 8 баллгача баҳоланади. Бу шартда гуруҳлар учун адибнинг қуйидаги асарларини ўқишни тавсия қилиш мумкин: "Уч илдиз", "Қадрим", "Қора кўзлар", "Олмос камар", "Мерос" ва бошқалар.

Беллашув ниҳоясида ҳакамлар ҳайъати балларни ҳисоблаб, ғолиб бўлган гуруҳни эълон қилади ва беллашув ташкилотчилари томонидан тайёрланган совғаларни гуруҳ аъзоларига топширадилар.

Билимдонлар беллашувининг "Савол-жавоблар" шартида фойдаланиш учун тахминий саволлар

1. "Уч илдиз" романида ёзувчи ўз ички кечинмаларини қайси образ орқали ифодалаган?

("Уч илдиз" романининг бош қаҳрамони Маҳкам образи орқали Пиримқул Қодиров ўз ички кечинмаларини ифодалаган).

2. Пиримқул Қодиров проза жанрида ҳам ижод қилган. Унинг поэзия бобида ҳам қалам тебратганини биласизми ва улар кимга бағишланган эди?

(Ёзувчи ёшлигида шеърлар ёзган ва улар "Уч илдиз" романида Очил Самадовнинг шеърлари тарзида келтирган. Улар ёзувчининг бўлажак умр йўлдоши София хонимга бағишланган эди).

3. Ёзувчи Бекобод металлургия заводида қуювчи бўлиб ишлаган дейишади. Шу тўғрими?

(Пиримқул Қодиров Бекобод металлургия заводида қуювчи эмас, балки шу корхона қурилишида мухбир бўлиб ишлаган).

4. Ёзувчининг болаликдаги энг биринчи ва энг севимли асарлари қайсилар?

(Элбек тўплаган “Ўзбек халқ қўшиқлари”, Войничнинг “Сўна”си, Лермонтовнинг “Замонамиз қаҳрамони”, Стивенсоннинг “Жавоҳирот ороли”, Жюль Верннинг “Капитан Грант болалари”.

5. “Юлдузли тунлар” романини ёзиш жараёнида адиб Ҳиндистон сафарига чиққанми? Шу хусусида қандай маълумотларга эгасиз?

(Ҳа, ёзувчи икки бор Ҳиндистон сафарида бўлган. Ҳиндистоннинг Агра, Деҳли шаҳарларида, ундан ташқари, Покистоннинг Карачи, Исломбод, Лаҳор шаҳарларида бўлиб тарихий обидаларни ва табиат манзараларини ўрганган).

6. Пиримқул Қодировнинг қайси асари Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида “Энг улуғ, энг азиз” кўрик-танловида биринчи ўринга сазовор бўлди?

(“Амир Темур сиймоси” номли илмий-тарихий асари).

7. Адиб таржима қилган асарларни биласизми?

(М.Лермонтовнинг “Бэлла” қиссаси, Константин Федиининг “Илк севинчлар” романи, Аркадий Гайдарнинг бир нечта асарларини таржима қилган).

8. “Уч илдиз” романидаги профессор Абдураҳмон Тошев ва Темир Акбаров образларини яратишда ёзувчи шўро даврида “ўзбек адабиёти жаллодлари”га қарши дадил курашга чиққан қайси ўзбек адибларини назарда тутган?

(Профессор Абдураҳмон Тошев сиймосида Ойбекни, Темир Акбаров сиймосида Абдулла Қаҳҳорни назарда тутган).

9. Ёзувчининг ёшлик ва ёшлар ҳақидаги асарларини айтинг?

(“Студентлар”, “Уч илдиз”, “Эрк”, “Қадрим”, “Қора кўзлар”, “Олмос камар” ва бошқалар).

10. Пиримқул Қодировнинг қайси асарлари асосида кинофильмлар яратилган?

(Унинг “Қадрим” қиссаси асосида режиссёр Р.Ботиров томонидан “Сенинг изларинг” бадиий фильми, “Юлдузли тунлар” романи ва “Жон ширин” ҳикояси асосида режиссёр М.Юсупов томонидан кўп серияли видеофильмлар яратилган).

11. Адибнинг асарлари қайси тилларга таржима қилинган?

(Рус, украин, литва, ҳинд, урду, турк, уйғур, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида нашр этилган).

12. Пиримқул Қодиров Давлат мукофотлари билан тақдирланганми?

(Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1981), “Шуҳрат” медали (1994) ва “Эл-юрт ҳурмати” (1998) ордени билан мукофотланган).

13. Ёзувчининг қайси асарлари саҳналаштирилган?

(Унинг “Бобур” пьесаси узоқ йиллар мобайнида ҳозирги Ўзбек миллий академик драма театрида, “Инсоф” пьесаси эса вилоят театрлари саҳналарида қўйилган).

14. “Юлдузли тунлар” тарихий романининг бош қаҳрамони ким?

(Романнинг бош қаҳрамони Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир).

Пиримқул Қодиров ҳаёти ва ижодига бағишланган “Ижод довонларида” номли китоб кўргазмаси

1. Ёзувчининг илк ижоди

Бу бўлимга Пиримқул Қодировнинг илк ижод намуналари, ёшликни ва ёшлар ҳаётини тараннум этган асарлари жойлаштирилади.

2. Тарих ҳақиқатига садоқат

Ушбу бўлимда адибнинг тарихий-бадиий “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони”, “Она лочин видоси” каби асарлари ва уларнинг яратилиш тарихи вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилган мақолалар акс эттирилади.

3. Ўқуб, соғингансан ўзумни...

Бу бўлимда Пиримқул Қодировнинг адабиётшунослик соҳасида олиб борган ишлари, ўзбек мумтоз адабиёт тилини ривожлантиришда олиб борган изланишлари, “Тил ва эл” асари ҳамда асар ҳақидаги адабиётлар жойлаштирилади.

4. Тарихинг теран таҳлили

Ушбу бўлимга ёзувчининг сўнгги йиллардаги ижодини акс эттирувчи “Амир Темур сиймоси” илмий-бадиий асари жойлаштирилади.

“Дунёни лол қолдирган сиймо” мавзусида китобхонлар иштирокида давра суҳбати сценарийси

Кутубхонада тадбирни ўтказишдан аввал эълон ва таклифнома ёзилади. Таклиф этилган меҳмонларга таклифномалар тарқатилади. Давра суҳбати учун жой танланади ва безатилади. Мавзуга оид адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинади. Эълон ва таклифноманинг намунавий шаклини келтирамиз.

Эълон!

Ҳурматли китобхон!

2008 йил _____куни соат _____ да кутубхонамизда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг “Амир Темур сиймоси” номли илмий бадиасига бағишланган “Дунёни лол қолдирган сиймо” номли давра суҳбати бўлиб ўтади.

Таклифнома

Ҳурматли_____,

Сизни 2008 йил _____ куни соат _____ да кутубхонамизда ўтказиладиган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг “Амир Темур сиймоси” номли илмий бадиасига бағишланган “Дунёни лол қолдирган сиймо” номли давра суҳбатига таклиф этамиз.

Бошловчи: Ассалому алайкум, азизлар! Жаҳон тарихида ёрқин из қолдирган, Ватанни босқинчилар асоратидан озод этиб, элу юртни мустамлака зулмидан халос қилган, ўз халқининг даҳо халоскори сифатида доврук қозонган соҳибқирон Амир Темур бобомиз шундай табаррук сиймолардан.

Бугун биз сизлар билан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг шу буюк зотга бағишлаб битган “Амир Темур сиймоси” номли илмий бадиаси хусусида суҳбатлашиш ниятида йиғилдик. Шахсан ўзим китоб мутолаасидан сўнг айта оламанки, Амир Темур бобомизнинг бутун жаҳон эътиборини тортган улуғ зафарлари, буюк соҳибқироннинг шахсияти қизиқарли сюжет, пухта ўйланган композиция, илмий тафаккур орқали жозибали тасвир этилган.

Аввало меҳмонларимизни сизларга таништирсам: Ўзбекистон халқ ёзувчиси_____, элимизнинг суюкли адиби_____, филология фанлари номзоди, олим_____, адабиётшунос_____. Суҳбатимиз давомида саволларингиз, фикр-мулоҳазаларингиз бўлса, билдиришларингиз мумкин.

Сўз навбатини Ўзбекистон халқ ёзувчиси_____га. Марҳамат.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси_____ Ассалому алайкум давра иштирокчилари. Пиримқул Қодировнинг “Амир Темур сиймоси” асарини зўр қизиқиш билан мутолаа қилдим. Бу илмий бадиада Амир Темурдек буюк сиймонинг камол топишида зарур омил бўлган маънавий муҳит масаласига алоҳида эътибор берилгани диққатингизни тортади: “Унинг отаси Тарағай Баҳодир бутун Туронзаминга ҳоким бўлган Қорачорнўённинг авлодларидан эди. Темурбекнинг онаси Тегинабону Бухоройи шарифда шариат ишлари бўйича юксак лавозимларни эгаллаган Садри-Шариа Убайдулла Маҳмуднинг қизи эди... Парвардигор улуғ фарзандларни ота-онанинг улуғ муҳаббатидан яратади, деган ҳикматли гап бор. Тарағай Баҳодир билан Тегинабону орасида улкан бир меҳру оқибат бўлмаса,

шаҳарлик аслзода қиз узоқ қишлоққа бориб яшаши ва гўзал табиат бағрида Темурбекдай бўлажак даҳони дунёга келтириши амримаҳол эди. Темурбек болаликдан ота-она бағрида жуда яхши тарбия олади”.

Мана шундай беназир муҳитда ўсиб-ўлғайган Темурбек ўн ёшида Кешдаги Абдулла Қутб мадрасасига ўқишга борган. Мударрислар унинг Қуръон оятларини икки-уч ўқишдаёқ ёд олишини кўриб ҳайрон қоладилар. Ана шу йиллари бўлажак Соҳибқирон Озарбайжон шоири Шабистарининг “Сирлар гулшани” китобини севиб ўқиб, унинг кўп жойларини ёд олган экан. Вақти келиб жаҳонгирлик мартабасига эришган бобомиз Озарбайжоннинг Шабистар қишлоғидан ўтганда ўша китобни ёзган шоир турбатини сўраб-суриштиради. Маълум бўлишича, унинг қабри жуда қаровсиз ҳолда экан. Амир Темур фармон бериб, гўзал мақбара қурдиради, вақф ерлар ажратиб, ундан келадиган даромад ҳисобига зиёратгоҳни обод сақлашни буюради. Шу қишлоқлик олти мингдан зиёд аҳолининг ҳар бирига шоир ҳурмати учун беш мисқолдан олтин улашилади...

Асарда Амир Темур маънавий қиёфасини гавдалантирувчи муҳим чизги-деталлардан бири сифатида келтирилган бу маълумотни ўқирканмиз, бир ҳайратимизга ўн ҳайрат қўшилди ва беихтиёр Навоий ҳазратларининг ушбу луфтлари бежиз эмаслигига иқрор бўлдик: “Темур Кўрагон – агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқеъда ўқибдурларким, анингдек бир байт ўқиғони минг яхши байт айтқонича бор”....

Бошловчи: Катта раҳмат. Эндиги сўз навбатини филология фанлари номзоди, олим_____га бераман. Марҳамат.

Филология фанлари номзоди, олим: Адибимиз Соҳибқироннинг ёшлик ва ўсмирлик йиллари тасвирида Амир Темурнинг буюк жаҳонгирлик рутбасига эришуви бежиз эмаслигига аҳамият қаратади, у китоб мутолаасини севишини, алломаларни жуда ҳурмат қилишини асословчи кўпгина тарихий манбаларга мурожаат қилади. “Темур тузуклари”дек буюк асарни Амир Темурга раво кўрмаган хорижлик тарихчиларнинг (Бартольд ва Якубовский) бўҳтонларини пучга

чиқарувчи мисолларни таҳлилдан ўтказади. Афтидан, “Темур тузуклари”ни Амир Темур ёзмаган дейиш буюк Соҳибқироннинг марказлашган давлат асосчиси, улуғ маърифатпарвар сиймо эмас, балки ўзга мамлакатларни куч билан бўйсундиришга ишқибоз шахс сифатида талқин этиш учунгина зарур бўлган кўринади.

Муаллиф ҳақиқатдан юз ўгириб, ғирром сиёсатни асослаш учун Соҳибқиронни саводсиз деб ёзган айрим шўро олимлари ғаламислигини ҳам фош этади. Аждодларимизга ғайрикўз билан қараган бундай тадқиқотчилар “Амир Темур китобларни бошқаларга ўқиттириб эшитарди”, дея даъво қилишган. Соҳибқирон ўз юришлари чоғида зарурат юзасидан ислом уламолари, мулла ва қорилар, илмли, зеҳни ўткир кишиларга эҳтиёж сезган. Амир Темур солномасини ёзган барча тарихчилар унинг ўзи билан бирга Куръони каримни олиб юрганини, бу мақаддас китобни ёд билган сиймо эканини қайта-қайта эътироф этадилар...

Бошловчи: Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Агар саволларингиз бўлса, марҳамат. Саволлар йўқ бўлса, сўз навбати элимиз суйган адиб_____га. Келинг, домла.

Адиб: Бугунги давра-суҳбатига йиғилган меҳмонлар. Биз шу чоққача Соҳибқирон Амир Темурни Ватаннинг даҳо халоскори сифатида билардик ва буюк бобомизга шунинг учун ҳам катта эҳтиром кўрсатар эдик. Пиримқул Қодировнинг ўнлаб, юзлаб илмий ва тарихий манбаларни, игна билан қудуқ қазигандек, синчиклаб ўрганиши асосида ёзилган мазкур асарни ўқиб, унда иқтибос сифатида келтирилган аниқ далилларни кўздан кечириб, яна бир бор иқрор бўлаётирмизки, Соҳибқирон икки аср мобайнида мўғул босқинчилари асоратида азоб тортиб ётган Евроосиёдаги қанчадан-қанча мамлакатлар, хонликлар, князликларни чингизий Олтин Ўрда асоратидан батамом озод қилган ва шу элларнинг ҳам хақиқий халоскори бўлган улуғ сиймо экан.

Амир Темурнинг жаҳон тақдирини ҳал этган ва тарихнинг буюк бурилиш нуқталарида амалга оширилган ҳал қилувчи муҳорабаларидан бири 1391 йили Волганинг чап соҳилидаги

Кандирча дарёси бўйида, иккинчиси эса, 1395 йилнинг 15 апрелида Кавказ тоғларидан бошланиб Каспий денгизига қуйилувчи Терек дарёси бўйида юз берган эди. Кандирчадаги жангда Тўхтамишнинг енгилиб қочиши, адиб ёзганидек, туткун элларни чингизийлар асоратидан қутқаришида янги саҳифа очган бўлса, Терек бўйида Тўхтамиш лашкарлари билан бўлган сўнгги муҳораба ва кўп ўтмай Сарой Беркадан Занжирсарой ўчининг олиниши, француз олими Люсьен Кэрэн эътироф этганидек, Олтин Ўрданинг тиз чўкиб ҳеч ўнгланмайдиган даражада тор-мор этилишига, рус князликларини озодликка чиқариб, бўлажак рус империясига пойдевор қўйилишига шарт-шароит яратди.

Узоқ йиллар мобайнида эътироф этилмай келган бу хақиқат, ниҳоят, 2004 йили ёш рус тарихчиси Михаил Арнолдов томонидан “Наука и жизнь” журналида босилган мақолада мардона эътироф этилгани ибратлидир: “Куликова майдонидаги жангдан кейин... юз йил давомида Россия бирор марта ҳам Олтин Ўрда билан йирик тўқнашувга борган эмас. Аммо шу вақт ичида Олтин Ўрданинг ўзи тор-мор бўлиб тарих саҳнасидан ғойиб бўлди. Бундан келиб чиқадики, бизни кимдир ўзимизнинг иштирокимизсиз озод қилган экан-да? Ким у жўмард? Ким бўларди, айни ўша зот – кўп йиллар ноҳақ қоралаб келинган “буюк ва шафқатсиз” Амир Темур бизни озод қилган. Тўғрироғи, Олтин Ўрда зулмидан озод бўлишимизга олиб келган”....

Бошловчи: Раҳмат. Ана даврамизда сизга савол бермоқчи бўлганларни кўряпман. Марҳамат, синглим, саволингизни эшитамиз.

Савол: Амир Темурни XV аср тақдирини ҳал қилган инсон деб аташган. Шу хақда ҳам маълумот берсангиз.

Адиб: Яна француз олими Люсьен Кэрэннинг эътиборга лойиқ бир фактини келтираман: “Яқинда Жерар Вальтер ва Марсель Брион Амир Темурни ўзларининг “Асрлар ёдгорлиги” деган асарларига қаҳрамон қилиб танлашди ва Амир Темурни “XV аср тақдирини ҳал қилган инсон деб аташди”. Ҳақиқатан ҳам, XIV асрнинг охирида ва XV бошида бутун дунёнинг йирик

қадамлар билан олға кетишида Амир Темурнинг қаҳрамонона фаолияти ҳал қилувчи мавқени эгаллади.

XIV асрда дунё тушунчаси ҳозиргидай кенг ва катта эмас эди. У пайтда ҳали ҳар икки Америка қитъаси, Австралия, Марказий Африка, Океания ороллари кашф этилмаганди. У замоннинг одамлари дунё деганда Европани, Осиёни ва Африканинг шимолидаги Миср каби мамлакатларни назарда тутар эдилар. Ўша давр нуқтаи назаридан қараганда, Амир Темур Европа ва Осиёнинг энг катта қисмини эгаллаб олган Чингизхон империясининг жабру зулмидан, аввало, ўз ватанини, сўнгра Хуросон, Эрон, Озарбойжон, Россия, Украина каби мамлакатларни халос қилгани чиндан ҳам унинг XV аср тақдирини ижобий томонга қараб ўзгартирган улуғ сиймо бўлганини кўрсатади. Бунинг устига Болқон ва бошқа Европа мамлакатларини Йилдирим Боязид тажовузларидан қутқаргани унинг XV аср тақдирини ҳал қилган даҳо инсон бўлганини яна бир бор исбот этади.

Бошловчи: Сўз адабиётшунос олимимиз_____га.

Адабиётшунос: Пиримқул Қодиров Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини, ўша давр тарихини катта муҳаббат билан ўргангани ҳамда уни китобхонга жонли тарзда, содда ва самимий тилда ҳавола этгани ҳар жиҳатдан таҳсинга сазовордир. Адибнинг бу хизмати яна шу жиҳатдан эътиборга моликки, бугунги кунда Амир Темур тарихига доир китоблар, тарихий, илмий ва бадиий асарлар жуда кўп. Бу ҳол Амир Темурдек буюк сиймо тарихини ўрганишда катта имконият бўлса-да, манбаларнинг ҳаммасини ўқиб, бир фикрга келиш оддий китобхон учун жуда қийин кечади, деб ўйлайман. Кўп ҳолларда, бу манбаларнинг турли даврларда турли қараш ва иқтидордаги муаллифлар томонидан ёзилгани учун ҳам, ўқувчини бир қадар чалғитадиган ўринлар топилиб турибди. Шу боис, манбаларни катта тажриба ва илм салоҳиятига эга бўлган, тарихни жуда яхши ўрганган адиб нигоҳидан ўтган ҳолда сайқалланиб китобхонга тақдим этилиши кўпчилик учун, назаримда, жуда фойдалидир…

Бошловчи: Раҳмат. Биз доим шундай улуғ зотнинг, европаликлар “Европанинг халоскори” деб улуғланган

инсоннинг аждодлари эканлигимиздан фахрланамиз. Бугунги тадбиримиз тугади, ҳаммангизга миннатдорчилик билдирамиз.

Пиримқул Қодиров

Ҳаёти ва ижодининг асосий саналари

1928 йил 25 октябрь -	Пиримқул Қодиров Тожикистон Республикаси Шаҳристон тумани Кенгқўл қишлоғида таваллуд топган.
1951 йил -	Ўрта Осиё Давлат университетини тугатиб, Москвадаги М.Горький номидаги Адабиёт институти аспирантурасига кирган.
1954 – 1963 йиллар -	Собиқ СССР Ёзувчилар уюшмаси қошида ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаган.
1950 йил -	Адиб ижоди дебочаси “Студентлар” ҳикояси эълон қилинган.
1958 йил -	“Уч илдиз” романи нашр қилинди.
1961 йил -	“Қадрим” қиссасини ёзган.
1963-1983 йиллар -	Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим лавозимида ишлаган.
1966 йил -	“Қора кўзлар” романини ёзган.
1968 йил -	“Эрк” қиссасини ёзган.
1976 йил -	“Олмос камар” романини ёзган.
1979 йил -	“Юлдузли тунлар” романини ёзган.
1982 йил -	“Юлдузли тунлар” романи учун Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлган.
1989 йил -	“Авлодлар довони” романи нашр этилган.
1989 – 1994 йиллар -	Ўзбекистон Республикаси Адабиёт, санъат ва меъморлик соҳасидаги Давлат мукофотлари қўмитаси раиси бўлиб ишлаган.

1991 – 1995 йиллар -	Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати, Маданият ва маданий мерос қўмитаси раиси бўлиб ишлаган.
1997 – 2000 йиллар -	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари лавозимида ишлаган.
1994 йил -	“Шуҳрат” медали билан мукофотланган.
1998 йил -	“Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотланган.
2006 йил -	“Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган.

Адабиётлар

Абдуллаев М. Абдулла Қутб мадрасаси толиби: Пиримқул Қодировнинг “Амир Темур асарини ўқиб...” // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.- 2007.-16 фев.

Асқад Мухтор. Ёш дўстларимга.-Т.: Ёш гвардия, 1980.-160 б.

Атоқли адиб Пиримқул Қодировнинг “Қалб кўзлари” номли китоби ҳақида //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2001.-23 нояб.

Бадиий асарларда Бобур сиймосини яратиш маҳорати: [Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи асосида] //Тил ва адабиёт таълими.-2007.-№1.-Б.52-54.

Бобоева Н. Эрк ва бурч баҳси: [Пиримқул Қодировнинг “Эрк” номли қиссаси ҳақида] //Гулистон.-1971.-№10.-Б.28-29.

Жўрабоев А. Яшашнинг маъноси: ошкора суҳбат [Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров билан суҳбат] //Шарқ юлдузи.-1990.-№12.-Б.157-163.

Имомова Г., Тўраев Д. “Сўзимни ўқиб, соғингайсан ўзимни...”: [Бадиа. Пиримқул Қодировнинг “Тил ва эл” номли бадиаси ҳақида] //Моҳият.-2006.-6 янв.

Каттабеков А. Юлдузли тунлар тасвири: [Пиримқул Қодировнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолиятини акс эттирган “Юлдузли тунлар” романи ҳақида] //Тошкент оқшоми.-1979.-11 янв.

Матёқубов А. Тарих ва унинг бадиий талқини: [Ёзувчи П. Қодировнинг “Тунги юлдузлар” тарихий романи ҳақида] //Тошкент ҳақиқати.-1978.-22 сент.

Маҳмудов М. Кўнгилда бори: [Пиримқул Қодировнинг “Қора кўзлар” романи ҳақида] //Гулистон.-1967.-№7.-Б.27-30.

Маҳмудов Т. Эрк ва севги. [“Эрк” қиссаси ҳақида] //Шарқ юлдузи.-1971.-№4.-Б.224-227.

Маънавий мадад: [1990 йилги Ҳамза номидаги ЎзССР Давлат мукофотига сазовор бўлган асарлари ҳақида] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1990.-21 дек.

Мирзаев С., Шермуҳамедов С. Ҳозирги замон ўзбек адабиёти тарихи: олий ўқув юртлари учун.-Т.: Ўзбекистон, 1993.-422 б.

Мирқосимова М. Эпик тасвир ва ҳаётни бадиий идрок этиш: [П. Қодировнинг “Олмос камар”, Одил Ёқубовнинг “Кўҳна дунё” романлари ҳақида] //Шарқ юлдузи.-1985.-№9.-Б.163-167.

Мукофот муборак: [Ҳамза мукофотининг лауреати Пиримқул Қодировнинг “Олмос камар” романи СССР Ёзувчилар Союзининг 1983 йилги мукофотига сазовор бўлганлиги ҳақида] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1984.-23 март.

Назаров Б. Тил қадри: китоб жавонингизга //Шарқ юлдузи.-2006.-№1.-Б.138-140.

Назаров Б. Тил қадри: [Ёзувчи П. Қодировнинг “Тил ва эл” китоби ҳақида] //Шарқ юлдузи.-2006.-№1.-Б.138-140.

Насриддинов Ф. “Қора кўзлар”: [П. Қодировнинг “Қора кўзлар” романига танқид ва тақриз] //Тошкент ҳақиқати.-1967.-13 май.

Норбоев Б. “Ўйлар”ни ўқиб...//Ёш ленинчи.-1972.-8 дек.

Норматов У. Тарих ҳақиқатига садоқат: [П. Қодировнинг “Юлдузли тунлар” ва “Авлодлар довони” романлари хусусида] //Гулистон.-1996.-№2.-Б.27-30.

Норматов У. Тарихнинг теран таҳлили: [Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи ҳақида] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1981.-14 авг.

Норматов У. Эрк баҳси: [Пиримқул Қодировнинг “Эрк” қиссаси ҳақида] //Ўзбекистон маданияти.-1970.-11 сент.

Норматов У. Ёшлик: мақолалар.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.-364 б.

Норматов У. Умидбахш тамойиллар.-Т.: Маънавият, 2000.-112 б.

Оқилова Н. Авлодлар адоватлардан устун: [Ёзувчи П. Қодировнинг “Авлодлар довони” тархий романидаги воқеа ва тақдирлар ҳақида мушоҳада] //Миллий тикланиш.-2002.-30 июль.

Панжиев Х. Тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима: Мутолаа: [Ўзбекистон халқ ёзувчиси П. Қодировнинг

“Юлдузли тунлар” романи ҳақида] //Қишлоқ ҳаёти.-2002.-30 авг.

Расулов А. Тил – миллат тақдири, табиати, тарихи: [Пиримқул Қодировнинг “Тил ва эл” китоби ҳақида] //Жаҳон адабиёти.-2005.-№1.-Б.146-150.

Рустамова И. Драматик асарларда муаллиф концепцияси: [Пиримқул Қодировнинг “Авлодлар довони” романидаги ҳамда Ш.Бошбековнинг қатор драмаларидаги воқеаларга муаллифнинг таъсири ҳақида] //Ўзбек тили ва адабиёти.-1999.-№2.-Б.46-48.

Саидова Ш. Тарихга назар ташлаганда...: [Ёзувчи П. Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи ҳақида] //Илмий ишлар тўплами.-Тошкент Давлат ун-ти.-1979.-№609-Б.105-111.

Сафаров М. Улуғ она қиссаси: [Атоқли адиб Пиримқул Қодировнинг “Она лочин видоси” тархий романи ҳақида] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2004.-19 нояб.

Тарихга назар ташлаганда...: [Ёзувчи П. Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи ҳақида] Илмий ишлар тўплами Тошкент Давлат ун-ти-1979-№609.-Б.105-111.

Тўхтамишев И. Буюк ибрат намунаси: [П. Қодировнинг “Амир Темур сиймоси” деб номланган асари ҳақида] //Жамият.-2007.-2 нояб.

Файзиев Б. Ҳаёт илдизлари: [П. Қодировнинг “Уч илдиз” романи ҳақида] //Ўзбекистон маданияти.-1959.-4 апр.

Файзиев Б. Ҳаёт қадри: [П.Қодиронинг “Қадрим” повести ҳақида] //Шарқ юлдузи.-1962.-№12.-Б.138-140.

Холмуродов А. Сукунат қўнғироғи: [Ёзувчи П. Қодировнинг “Авлодлар довони” романи ҳақида айрим кузатишлар] //Ўзбекистон санъати ва адабиёти.-1991.-14 июнь.

Хўшбоқов Ж. Янги довон: [Пиримқул Қодировнинг “Олмос камар” романи ҳақида] //Ўзбекистон маданияти.-1977.-5 авг.

Шермуҳамедов П. Пиримқул Қодиров: адабий портрет Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.-120 б.

Шомансур Юсуф. Адиб ўйлари: [Ёзувчи П. Қодировнинг “Ўйлар” номли китоби ҳақида] //Гулистон.-1972.-№9.-Б.18-19.

Шомансур Юсуф. Ҳаётий образлар: [Пиримқул Қодировнинг “Қора кўзлар” романи ҳақида] //Меҳнат ва турмуш.-1972.-№8.-Б.24.

Шомансуров Ю., Каримов Ҳ. Меҳнат мадҳияси: Тақриз: [П. Қодировнинг “Мерос” номли асари ҳақида] //Тошкент ҳақиқати.-1975.-9 окт.

Шомансуров Ю., Каримов Ҳ. Меҳнат мадҳияси: [П. Қодировнинг “Мерос”, “Эрк” ва “Қадрим” номли қиссалари ҳақида] //Жиззах ҳақиқати.-1976.-27 янв.

Эрк ва бурч баҳси: [Пиримқул Қодировнинг “Эрк” номли қиссаси ҳақида] //Гулистон.-1971.-№10.-Б. 28-29.

Эшбеков Т. Соҳибқирон сиймоси: **[**П. Қодировнинг “Амир Темур сиймоси” китоби ҳақида] //Фидокор.-2008.-22 янв.

“Юракдаги қуёш”: [П. Қодиров шу номли романи ҳақида] //Тошкент ҳақиқати.-1964.-15 март.

Яшашнинг маъноси: унутилмас учрашувлар [“Шарқ юлдузи” журнали мухлисларининг саволларига ёзувчи Пиримқул Қодиров жавоб берадилар] //Шарқ юлдузи.-2005.-№1.-Б.37-43.

Қодиров И. Бадиий асарларда Бобур сиймосини яратиш маҳорати //Тил ва адабиёт таълими.-2007.-№1.-Б.52-54.

Қодиров П. Дунёни лол қолдирган сиймо // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.- 2007.- 14сент.

Қулжонов А. Студентлар ҳаётидан янги асар: [Пиримқул Қодировнинг “Уч илдиз” романи ҳақида] //Шарқ юлдузи.-1959.-№10.-Б.149-155.

Қулжонов А. Қалб қўшиғи: [П. Қодировнинг “Қадрим” повести ҳақида] //Ёш ленинчи.-1964.-30 янв.

Қўшжонов М. Тарих сабоқлари ҳақида роман: [П. Қодировнинг “Юлдузли тунлар” номли асари ҳақида] //Ўзбекистон маданияти.-1978.-12 дек.

Ғафуров И. Адибнинг ўйлари: [Пиримқул Қодировнинг “Ўйлар” китоби ҳақида] //Ўзбекистон маданияти.-1972.-5 май.

Ғафуров И. Мерос қолган яхшилик: [Ёзувчи Пиримқул Қодировнинг “Мерос” қиссаси ҳақида] //Ўзбекистон маданияти.-1975.-8 апр.

Ғафуров И. Эркнинг маъсулияти: [Пиримқул Қодировнинг “Эрк” номли қиссаси ҳақида] //Тошкент оқшоми.-1970.-6 окт.

Босишга рухсат этилди 2008 йил 30 октябрь
Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$
Ҳажми 2.5 б. т. Нусхаси 300
Буюртма № 118

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси. 100033 Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 33.